- 17.30 Шоу "Уральских пельменей". Корпорация морсов. Часть 2"
- 19.00 "Моя ужасная няня"
- 20.50 "Лысый нянька. Спецзадание"
- 22.35 "Суперняня"
- 00:10 "Большой вопрос. Третий сезон"

**ТВ3**

- 06.00, 08.00, 05.30 Мультфильм
- 07.30 "Школа доктора Комаровского"
- 08.30 Т/с "Сюарт Литтл"
- 10.15 Т/с "Карга-пашин"
- 13.00 Т/с "Дуракам закон не писан"
- 15.15 Т/с "Первый удар"
- 17.00 Т/с "Танго и Кэш"
- 19.00 Т/с "Неизвестный"
- 21.15 Т/с "Былда 3. Троица"
- 23.30 Т/с "Кобра"
- 01.15 Т/с "Былда 2"
- 03.30 Т/с "Хороший, плохой, туню"

**TOSHKENT**

- 5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним"
- 6.00 "Бу ажиб дунё". Х/ф.

## Лушанба

08.30 Панорама дня.  
LIVE  
10.30, 00.05 Т/с  
"Котовский"  
12.10, 01.50 "Эволюция"  
13.45 Большой футбол  
14.05 Т/с "Тайная стража"  
17.25, 03.30 "24 кадра"  
17.55 Т/с "Военная разведка".  
19.45 Т/с "Военная разведка".  
21.40, 23.45 Большой спорт  
21.55 Баскетбол.  
04.15 Профессиональный бокс  
06.05 Т/с "Сармат"

## Сешанба

08.30 Панорама дня.  
LIVE  
10.30, 00.05 Т/с  
"Котовский"  
12.10 "Эволюция"  
13.45 Большой футбол  
14.05 Т/с "Тайная стража"  
17.25 "Полигон".  
Спецбоеприпасы  
17.55 Т/с "Военная разведка".  
19.50 Т/с "Военная разведка".  
21.40, 23.45 Большой спорт  
21.55 Баскетбол.  
01.50 "Эволюция"  
03.40 Профессиональный бокс  
06.05 Т/с "Сармат"

## Торшанба

08.30 Панорама дня.  
LIVE  
10.30, 00.05 Т/с "Котовский"  
12.10 "Эволюция"  
13.45 Большой футбол  
14.05 Т/с "Тайная стража"  
18.15 Х/ф "Вместе навсегда"  
21.40, 23.45 Большой спорт  
21.55 Баскетбол.  
01.45 "Эволюция"  
03.20 "Диалоги о рыбалке"  
03.50 "Язь против еды"  
04.20 Профессиональный бокс. Александр Поветкин (Россия) против Майка Переса (Куба)  
06.05 Т/с "Сармат"

## Паншанба

08.30 Панорама дня.  
LIVE  
10.30, 00.05 Т/с "Котовский"  
12.10, 01.50 "Эволюция"  
13.45 Большой футбол  
14.05, 05.25 Х/ф "Вместе навсегда"  
17.30, 03.30 "Полигон".  
Мины  
18.00 Х/ф "Охотники за караванами"  
21.40, 23.45 Большой спорт  
21.55 Баскетбол.  
04.00 "Полигон". Спецбоеприпасы  
04.25 "Рейтинг Баженова". Война миров  
04.55 "Рейтинг Баженова". Законы природы

## Жума

08.30 Панорама дня.  
LIVE  
10.15, 22.35 Х/ф "Путь"  
12.10, 03.30 "Эволюция"  
13.45 Большой футбол  
14.05 Х/ф "Заговорённый. Игла"  
15.45 Х/ф "Заговорённый. Донор"  
17.25 "За победу - расстрел? Правда о матче смерти"  
18.20 "Тений русского дзюдо. Спорт и разведка"  
19.10 Х/ф "Дружина"  
00.35 Большой спорт  
00.55 Смешанные единоборства.  
05.00 "Человек мира".  
05.55 "За кадром".  
06.40 Профессиональный бокс.

## Шанба

08.30 Панорама дня.  
LIVE  
10.20 "В мире животных" с Николаем Дроздовым  
10.50 "Диалоги о рыбалке"  
11.20 Т/с "Летучий отряд. Порт"  
13.05 Т/с "Летучий отряд. В тихом омуте"  
14.50, 19.00 Большой спорт  
15.10 Т/с "Военная разведка. Западный фронт".  
17.05 Т/с "Военная разведка. Западный фронт".  
19.25 Баскетбол.  
21.15 Т/с "Военная разведка. Западный фронт".

фронт".  
23.15 Т/с "Военная разведка. Западный фронт".  
01.20 "Большой футбол с Владимиром Стогниенко"  
02.10, 06.20 Смешанные единоборства  
04.05 "Следственный эксперимент". Смертельный автограф  
04.35 "НЕПростые вещи".  
05.05 "НЕПростые вещи".  
05.35 "Максимальное приближение".

## Якшанба

08.30 Панорама дня.  
LIVE  
10.15 "Моя рыбалка"  
10.45 "Язь против еды"  
11.15 Т/с "Летучий отряд. Пятое дело"  
12.55 Т/с "Летучий отряд. Стертые следы"  
14.40, 16.45, 00.50 Большой спорт  
14.55 Баскетбол.  
17.05 Т/с "Военная разведка".  
19.05 Т/с "Военная разведка".  
20.55 Т/с "Военная разведка".  
22.55 Т/с "Военная разведка".  
01.15 Смешанные единоборства.  
03.30 Спортивные танцы.  
04.35 "EXперименты".  
05.05 "Опыт дилетанта".  
05.35 "Максимальное приближение". Тоскана  
06.00 Х/ф "Пыльная работа"

● ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

## Табрик.лайв.уз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Марғилон ШТБ ходими Арабий ХУСАНЧАЕВни 60-баҳори, Ўзбекистон туман ТБ ходими Носиржон МИРЗААХМЕДОВни 55-баҳори, Қўштепа ТБ ходими Ғулможон ЗОКИРОВни 50-баҳори билан чин дилдан табриклайди. Уларга энг эзгу тилакларини йўллайди.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоаси Водил ва Янгиқўрғон ПАТ ходимлари Абдулатто МАМАТОВ ҳамда Адхамжон НАЗАРОВларни 55-баҳори, Олтиариқ ва Водил ПАТ ходимлари Мўдидиножон СОҲИБОВ ҳамда Маҳаммаджон АЗИМОВни 50-баҳори билан самимий муборак этади. Уларга бахт-саодат, фарзандлар роҳатини кўришини тилайди.

# Тадбиркорларга кенг йўл

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти ҳаққ қўжалигининг барча соҳалари қамраб олган. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муносиб ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий шароитлар яратилмоқда, улар учун давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги замонавий механизмлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилиняпти.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш талабларидан келиб чиққан ҳолда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан назорат остидаги тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгашининг 2011 йил 28 декабрдаги 3-мажлис баёнига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан чиқарилаётган фармойишлар, қарорлар

ҳамда янги қабул қилинган қонун ва норматив ҳужжатлар бўйича тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан 2015 йилда ўтказиладиган семинарлар режаси тасдиқланди. Шунингдек, инспекциянинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмасига юклатилган вазибаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини асосан аришувларнинг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмақда.

Зеро, Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали ма-

росимдаги маърузасида таъкидлаганидек, эътиборимиз марказида туриши керак бўлган энг муҳим масалалардан бири бу — Конституциямизга мувофиқ кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳалари бўлмиш хусусий мулк ва тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлида барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш, уларнинг эркинлигини таъминлашдан иборат. Инспекциянинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан жорий йилнинг ўтган I чорак мобайнида 96 нафар тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва фу-

қаролар билан 22та учрашув ташкил қилиниб, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорликка оид фармон ва қарорлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнлари хусусида тушунтиришлар берилди.

Профилактика тадбирлари жараёнида тадбиркорлар фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан қонуний шуғулланиш тартиблари тушунтирилди.

**И.САИТОВ,**  
инспекциянинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмаси бошлиғи

Таҳсилларга кўра, кейинги йилларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимлари ошиб бормоқда. Бу жойларда тадбиркорлик субъекти вакиллари ва фуқаролар билан соҳага доир қонунчилик меъёрлари юзасидан уюштирилаётган очик мулоқотлар самарасидир. Асосий мақсад тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг юрт равнақига улуш қўшишларига эришиш, фаолиятларини қонуний йўлга қўйишларига кўмаклашишдан иборатдир.

## MPLS технологияси


### Унинг Кейинги авлод тармоқларидаги имкониятлари

Аваллари маълумотларни белгилар асосида узатиш учун Frame Relay ҳамда ATM технологиялари ишлаб чиқилган эди. MPLS технологияси ATM технологиясининг салбий ва ижобий томонларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

MPLS юқори унумдорликка эга бўлган телекоммуникация тармоғида маълумотларни белгилар асосида узатувчи протокол ҳисобланади. MPLS протоколи қўлланилган тармоқда ҳар бир маълумот пакетларига белги бириктирилади. Маълумот пакети кейинги тармоқ тугунларига жўнатиш юқорида бириктирилган белги асосида амалга оширилади ва маълумот пакети таркибини ўрганиб чиқишга эҳтиёж қолдирмайди. Тармоқ маршрутизаторлари ўртасида маълумот узатиш муҳити ва маълумот узатиш протоколларига тобе бўлмаган виртуал канал ҳосил қилиш, ушбу имконият ҳисобига маълумот пакетлари узатишни бир неча бор тезлаштириш мумкин. Ҳозирги кунда MPLS технологияси IP-тармоқларини қуришда кенг қўлланилмоқда. MPLS протоколдан виртуал тармоқларни (VPN) қуришда кенг фойдаланилади ва бу тармоқлар юқори тезликда ишлаши билан ажралиб туради. MPLS технологиясининг муҳим асоси IP-туннеллар ҳисобланади. Кейинги авлод тармоқларини (NGN) қуришда ҳам MPLS технологиясининг бир қанча имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги кунда NGNнинг асосий элементларидан бири бу дастурий коммутатор ёки Softswitch ҳисобланади. Softswitch бу IP-тармоқнинг интеллектуал имкониятларини жамловчи қурилмадир. У кўнғироқларга хизмат кўрсатишни бошқариш, бир ёки бир неча тармоқлар орқали алоқа ўрнатишда сигналзация ва бошқа бир қатор функцияларни ҳам ишлашини таъминлайди. Softswitch элементининг ишдан чиқиши ёки унда бирон бир носозлик юзага келиши, телефония хизматида тўла ёки қисман тўхташларга сабаб бўлади.

Шу ўринда ўз-ўзидан Softswitch элементини захира, носозлик вақтида зудлик билан захирадаги Softswitch элементини ишчи ҳолатга ўтказиш масаласи юзага келади. Лекин захира Softswitch элементини бир бинода ўрнатилиши муаммо ҳолатларда иккала Softswitchга таъсир этиши мумкинлигини ҳисобга олиб,



захира Softswitch элементини имконият даражасида бошқа бинода ёки бошқа туман, керак бўлса бошқа вилоят, шаҳарда ўрнатилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ҳолат географик захиралаш деб ҳам юритилади. Икки Softswitch элементини бир-бирини захиралаш учун улар ўртасида юқори тезликка эга бўлган алоқа канали керак бўлади. Мана шундай ҳолатларда MPLS технологиясидан фойдаланиш катта самара беради.

Кейинги авлод тармоқларида фойдаланувчиларга тақдим қилинаётган хизматлар сифатига катта эътибор берилмоқда. Баъзи бизнес мижозларга 1 миллисекунда алоқа йўқолиши катта ноқулайликлар юзага келтирмоқда ва ўз ўрнида тармоқда узилишларга катта талаблар қўйилмоқда.

**IP/MPLS тармоғида маълумотлар оқимини бошқаришда қуйидаги афзалликлар мавжуд:**

- динамик мослашиш механизмига эга, бу тармоқда бир неча алоқа линияларида авария ҳолатида ҳам тармоқнинг узилишларсиз ишлашини таъминлаб бера олади.

- бирон бир тармоқ қурилмаси ишдан чиққан ҳолатда тармоқ топологияси ишчи ҳолатини максимал даражада сақлаб қолади.

Умумий қилиб айтганда, ҳозирги кунда Кейинги авлод тармоқларида MPLS Traffic Engineering технологияларини қўллаб фойдаланувчиларга 99,99 фоиз самарадорликка эга телекоммуникация хизматларини тақдим этиш имконияти мавжуд.

**Аваз МУҲИТДИНОВ,**  
ТАТУ магистранти

## ALOQACHIL LUG'ATI

**■ Абонент алдови** (en — subscription fraud; ru — абонентский фрод) — товламачиликнинг энг оддий турларидан бири, бунда абонент бошланғич абонент тўловини киритади, кейин эса сотали телефондан тинимсиз фойдаланади ёки эфир вақтини шунчаки қайта сотади, ҳисоблаш даври тугаганидан кейин уни тўламайди, ҳисоб-китоб ёзувлари билан шуғулланувчи оператордан яшириниб юради.

**■ Абонент линияси** (en — local loop; ru — абонентская линия) — абонент станцияси ва алоқа узелининг коммутацион ускунаси ўртасидаги линия; кўпинча телекоммуникация тизимининг "охириги миля"си дейилади.

**■ Автоматик кўнғироқлаш** (en — on-going call; ru — автодозвон) — телефон аппаратининг айнан битта чакирув кўп марта узатиладиган иш тартиби. Одатда, чакирувга автоматик уринишларнинг сони чекланган бўлади, лекин абонент исталган пайтда телефонни яна автоматик кўнғироқлаш тартибига улаши мумкин.

**■ Адаптер** (en — adapter; ru — адаптер) — 1. Ҳар турдаги ва ўлчамдаги вилкалардан биргаликда фойдаланиш ёки уларни телекоммуникация розеткаси/коннектор билан қўйиш имконини берувчи қурилма. Кўп ўтказгичли катта кабелларни ўтказгичлар сони камроқ бўлган гуруҳларга ажратади; кабеллар ўртасида контактни амалга оширади.

2. Икки ёки ундан ортиқ, мос келмайдиган тармоқ объектларига биргаликда ишлаш ва ахборот айирбошлаш имконини берадиган интерфейс қурилма.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясида ташкил этилган Кексаларни эъозлаш йилига бағишланган байрам тадбирига алоқа соҳасида узоқ йиллар ишлаб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган 23 нафар инспекция фахрийси ҳамда маҳалла нуронийлари тақдир этилди.

Тадбирни табрик сўзи билан очган инспекция бошлиғи Ф.Умарходжаев барчага эзгу тилакларини билдирди. Фахрийларга гуллар улашилди, санъаткорларнинг шўх куй-қўшиқлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Отахон ва онахонлар билан бир пиёла чой устида ширин хотиралар, касбдошлар номи ёдга олинди. Кексаларимизнинг ёшларга сабоқ бўладиган умр йўллари ҳақида гапирилди. Бугунги дориламон кунларга осонлик билан эришилмаганлиги, шундай кунларнинг — мустақиллигимизнинг қадрига етиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини кекса авлод вакиллари қайта-қайта таъкидлашди.

**Бехзод КАРИМОВ,**  
инспекция касаба уюшмаси кўмитаси раиси

"Ўзбектелеком" АК Навоий филиали жамоаси бу йилги май ойини, айниқса, Хотира ва Қадрлаш кунини ўзгача ҳаяжон ва катта масъулият билан кутиб олишди. Сабаби, Иккинчи жаҳон урушининг суроғли жанглирида жон олиб, жон берган, қаҳрамонлик кўрсатган, бугунги дориламон кунларга етиб келиш насиб этган навоийлик ягона алоқачи Қодир Мардоновга "Иккинчи жаҳон урушидаги Галабининг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медалининг тантанали топширилиши, ана шу пирю бадавлат отахоннинг 90 ёшга тўлиши шодиёналари, узоқ йиллар алоқа соҳасида ҳалол меҳнат қилиб, кексалик гаштини сураётган 150 нафардан ортиқ фахрийнинг ҳурматини жойига қўйиб, уларга иззат-икром кўрсатилиб, эсдалик совғаларини топшириш, жамоада меҳнат қилаётган ёшларга ибрат бўлсин деб, уруш ва фронт ортида жасорат кўрсатган фахрийларимиздан бир гуруҳи билан учрашувлар ташкил этиш каби хайрли тадбирларнинг бирин-кетини қўшалоқ келгани барчани қувонтиргани ва қалбларини тинчликнинг қадрига етиш туйғуларини билан тўлдиргани аниқ.

Собиқ алоқачи Нина Попова учрашувда ўша машғум кунларни ёдга олди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан марказимиз ходимлари уч нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож меҳнат фахрийси уйларига ташриф буюришди. Уларнинг ҳар бирига касаба уюшмаси ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, иш берувчи томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Тошкент вилоятининг "TURON" ахборот-кутубхона марказининг чора-тадбирлар режасида 2014-2016 йиллар мобайнида меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ва ногиронлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Шунингдек, режа доирасида "Кексаларни эъозлаш — барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир" мавзунда услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

**Насиба ОМАНКЕЛДИЕВА,**  
Тошкент вилояти "TURON" АКМ  
илмий-услубий бўлими мудири

"Ўзи-Жиззах" филиалида "Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши олти нафар қатнашчисининг уй телефонлари учун абонентлик тўловига юз фоиз миқдорда имтиёз, 60 дақиқадан вақтбай ҳамда шаҳарлараро сўзлашувларга имтиёз белгиланди.

— Кексаларни эъозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйишдек хайрли ишлар доимий вазифамиз бўлиши керак, — дейди филиал директори Баҳодир Эргашев. — Чунки ёши улуг, табарруқ кексаларнинг бой тажрибаси биз учун ҳаёт мактаби.

Яқинда Алоқачилар кунини муносабати билан Жиззах шаҳридаги Ўрда боғида байрам тадбири тантанали ўтказилди. Унда Жиззах шаҳар алоқа тармоқларида кўп йиллар меҳнат қилган фахрийлар, Иккинчи жаҳон уруши ва афғон уруши иштирокчилари қатнашди. Тадбирда Володя Исмоилов, Олим Бойматов, Зариф Даминов, Забаржад Бектегирова каби соҳа фахрийлари эътибор учун миннатдорлик билдиришди.

**Норкул МАЪМУР,**  
"Xabar"нинг Жиззах вилоятидаги мухбири

# ДАВЛАТ ИШЛАРИ БОШЛИГИ УМУМ ТАДБИРИ



"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Хотира ва Қадрлаш кунини ҳамда Алоқачилар касб байрамини шаҳардаги "Мазза" ресторанида нишонлади. Байрамга юз нафар фахрий тақдир этилиб, 250 нафардан зиёд кишига тўқин дастурхон ёзилди. Эркабой Ражапов, Зоя Тарганова, Садрдин Раҳимидинов, Энахон Ҳужаева каби 80 нафардан зиёд фахрийга ҳамда ҳозирда намуна кўрсатиб меҳнат қилаётган Раҳимжон Абдуразоқов, Абдулазиз Ганиев, Барнохон Усмонова, Баҳромжон Йўлдошев каби монтерлар ва муҳандисларга эсдалик совғалари топширилди.

Сўзга чиққан фахрийлар, жумладан, устоз Абдувоҳид Жўрабоев мамлакатимиз раҳбари томонидан Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti иштирокчилари ва фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида тўққинлиниб таъбирди ва алоқа соҳасининг тараққиёт босқичларига тўхталиб, ёшларни соҳа обрў-нуфузини янада оширишга, салоҳиятини тинмай юксалтиришга даъват этди.

\*\*\*

Фарғона тумани марказидаги "Бўстон" тўйхонасида "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоаси ўтказган тантаналарда ҳам ана шулар ҳақида гап борди. Шу кунларда умргузаронлик қилаётган уч нафар почтачи-алоқачиларга Юртбошимизнинг алоҳида эътибори, уларга жамият томонидан кўрсатилган эъозлар тилга олинди.

"Бўстон"да шу куннинг илғорлари ҳам эътибордан четда қолмадилар. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган Яйпан ПАТ Овчи алоқа бўлими бошлиғи Маҳмадхон Алимов самимий муборакбод этилди. Филиалдан Мирзаолим Дадабоев ҳамда Юлдузхон Абдуллаевалар, хабарчилар Одинахон Ҳамроева (Навбахор), Носиржон Усмонов (Бағдод), Иброҳимжон Юсупов (Тошлоқ) эса филиалнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

**Ҳафиза САЛҲОВА,**  
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангтоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, иймони бутун момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш бугун том маънода миллий қадриятларга айланган. "Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" доирасида Қарши шаҳридаги "Мотамсаро она" мажмуасига ТАТУ Қарши филиали талаба-ёшлари ташриф буюришди.

Зиёрат давомида "Уч авлод учрашуви" тадбири бўлиб ўтди. Унда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, вилоятимиздаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Уруш қатнашчилари Усмон Донаев, Тошар Азизов, Аҳмад Жалидов, Вера Носирова сўзга чиқиб, ёшларга бошидан кечирганлари, уруш даври қийинчиликлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Уч авлод вакиллари мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, иқтисодий соҳасида эришилаётган ютуқлар, фан-таълим янгиликлари, бугунги дориламон кунлар ҳақида дилдан суҳбат қуришди.

**Ҳикмат САҒАРОВ,**  
ТАТУ Қарши филиали бўлим бошлиғи

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Самарқанд филиалида Алоқачиларнинг касб байрами, Хотира ва Қадрлаш кунини ҳамда Кексаларни эъозлаш йилига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда корхонада узоқ йиллар самарали ишлаб, нафақага чиққан 45 нафарга яқин меҳнат фахрийлари, вилоятдаги алоқа корхоналари раҳбарлари иштирок этишди.

Айёмлар арафасида корхона касаба уюшмаси кўмитаси аъзолари 20 нафар яқса-ёлғиз меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олишди. Собиқ алоқачилар — уч нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига 400 минг сўмдан мукофот пули, меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Айни пайтда ишлаётган энг фаол ва интилувчан ходимлар ҳам раҳбарият ва касаба уюшмаси кўмитаси назаридан четда қолмади.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

Инсон ҳамма ерда улуг... Унинг улуглиги қўлидан келган ишларда, яратувчилигида кўриниб туради.



## Алоқачиларнинг интенсив боғи

Китоб туманидаги Сапарча қишлоғида "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали томонидан интенсив боғ барпо этилганига қўп бўлгани йўқ.

Ҳозирда мавжуд 5 гектар майдоннинг 2 гектарида қароли, 3 гектарида олма парваришланмоқда. Оралиқ қаторга картошка, нўхат, помидор экилган. Тўртинчи йилдирки, кўчатлар ҳосил берапти. Жорий йилда ҳар бир мева туридан 3 тоннадан ҳосил олиниши кутиляпти. Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида олиб борилаётганлиги сабаб дарахтларда ҳосил мўл.

— Боғни 2012 йилда ташкил қилганмиз, — дейди "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали директори Ориф Маҳмудов. — Филиалимизнинг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Қамашчи почта алоқаси тармоқлари ишчи-ҳодимларнинг меҳнатлари самараси кўриниб қолди.

— Турли зараркундаларга қарши курашиш мақсадида минг тулдан зиёд кўчатнинг ҳар бирига алоҳида ишлов берилди, — дейди боғбон Абдиганпур Мустафоев. — Бу ишларда замонавий техника воситаларидан самарали фойдаланяпмиз.



## Гўзалликдан завқ оласиз

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали жамоаси иссиқхоналарда етиштирилган шафран, чиннигул каби гул кўчатларини яқинда ерга қадаган эди.

Кўкаламзорлаштириш ишларида филиалнинг барча профессор-ўқитувчилари, талабалари, айниқса, хўжалик бўлими ходимлари астойдил меҳнат қилишди.

— Гул кўчатлари мавсумга қараб бошқа хилларига ўзгартириб борилади, — дейди филиалнинг хўжалик бўлими бошлиғи Хайрулла Девонаев. — Эътиборлиси, бу борадаги ишларимиз йил сайин кенгайиб бормоқда. Шу кунга қадар ўтган йилгига нисбатан уч баробар кўп гул кўчати экилгани амалга ошираётган ишларимиз кўламини кўрсатиб турибди.

Филиал ҳудудига нафақат гуллар, табиий мусаффоликни асраб, соя-салқинлик берадиган манзарали дарахт кўчатлари ҳам ўтқазилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятдаги мухбири

## Онлайн учрашувлар

Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув жараёнларида янгиликларга қўл уриляпти. Шу кунларда университет раҳбарияти томонидан ҳар ҳафта вилоятларнинг маҳаллий ҳокимлик органлари билан тўғридан-тўғри эфир учрашуви, яъни онлайн конференциялар ўтказилиб, унда университет ректори ва деканлари ҳамда ТАТУ филиалларида таҳсил олаётган ёшлар иштирок этишяпти. Бундай учрашувларни ўтказишдан асосий мақсад олий таълим муассасаларини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг малакавий диплом ишида катта аҳамиятга эга бўлган амалиёт жараёнларини тегишли иш ўринларида ўташлари учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир.

Ректоримиз Ҳ.Муҳитдинов таҳсил олаётган талабаларнинг келгусида доимий иш ўринлари билан таъминланишлари учун вилоятлардаги корхона раҳбарлари билан очик суҳбат олиб борапти. Раҳбарлар қўл остидagi бўш (вакант) иш ўринларини талабаларга маълум қилиб, талаб ва таклифларини берибдиришиди. Қарийб бир ойдан бери давом этиб келаётган конференцияларда битирувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан тегишли муассасалар масъул ходимларига мурожаат қилишяпти.

Ферузахоним  
НУРМУҲАМЕДОВА,  
ТАТУ 1-босқич талабаси



## Азалий одат

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида муҳим саналарга бағишланган тадбирларни ўтказиш одат тусига кирган. Мана шундай тадбирлардан бири "Кексаларга ҳурмат — азалий одат" деб номланди.

"Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш ва ёшлар онгида аждодларга ҳурмат ва эҳтиромни шакллантириш мақсадида ташкил қилинган тадбирда коллеж ўқувчилари фаол ва кўтаринки руҳ билан иштирок этишди.

Маҳалла фаоллари, фахрийлар, кўпни кўрган нуруний отахонлар ҳаёти ҳамда иш фаолиятларини ўқувчилар билан ўртоқлашди, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Ўқувчилар ижросидаги саҳна кўринишлари меҳмонларга манзур бўлди.

И.ОРИПОВА,  
коллежнинг "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси ўқитувчиси

## Иззат-ҳурматда

"Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури"да белгиланган вазифалар ижроси вилоятимизнинг энг чекка СЎХ туманида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Уруш ва меҳнат фахрийларига иззат-ҳурмат кўрсатилиб, байрам тадбирларида соғва-саломлар улашилмоқда, моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Туманимизда таниқли, обрўли фахрийлар кўпчилигини ташкил қилади. Ҳаётжон ҳожи Мамажонов, Раҳмонжон Зокиров, Ботирали Қамбаров, Салоҳиддин Завҳаров, Субҳидин Шарофитдинов, Мирзо Жўраев, Султонали Болтабоев, Ҳайдарали Сафаров, Мирзобек Домуллоев, фахрий алоқачилардан Эназар Аминов, Маъсуджон Аминжонов, Аъзамхўжа Амонов, Бобохонок Муродов, Хайринисо Мусоевалар ҳаёт йўллари ёшлар учун ибрат мактабидир.

— Юртимиз доимо гуллаб-яшнасин, — дейди фахр-ифтихор билан меҳнат фахрийси Мирзожон Хўжамов. — Шундай тинч, осуда, аҳил, фаровон юрт бошқа қасрда бор?!

Ҳа, тинч ва тўқ юртта шукроналик ҳаминша ярашади.

Асқарали АНБАРЖОНОВ

## Янгича шароит шарофати

Денов телекоммуникациялар боғламасига бошлқ бўлгач, биринчи вазифам ободонлаштиришни йўлга қўйишдан иборат бўлди.

Ростини айтганда, қўш қаватли бинонинг томига ёпилган шиферлар тобора туллаб-яшнаётган шаҳар маданиятига номуносиб бўлиб турарди. Тез орада халқимизнинг "Қимирлаган қир ошар", "Қаловини топсанг қор ҳам ёнади" каби нақлларига амал қилганимиз мақсадга эришишимизда қўл келди. Таъмирлаш ишлари боғламамиз биноси чиройига чирой қўшди. Бунёдкорлик ишлари кенг қамровли бўлгани учун ҳам алоқа ходимларининг кундалик меҳнат шароити янгича шакл олди. Натижада хизмат кўрсатиш унуми ошди, сифат тубдан яшиланди.

Кейинги йилларда хизмат кўрсатаётган абонентларимиз сони уч минг нафардан ошди. Қарийб мингта жисмоний ва юридик субъект "ЎзМобайл" телефон аппаратида фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ҳозир ҳудудимизда 362та оила интернет хизматига уланган. Кўплаб хонадонлар рақамли телевидение имкониятларидан тўла баҳраманд этилган.

Айни пайтда ходимларимиз тумanning янги "Бешкапа" маҳалласида қад ростлаган намунали лойиҳа асосидаги тураржойлар ҳамда инфратузилма шохобчаларини телефонлаштириш ишларини ниҳоясига етказишмоқда. Кабел тортиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилади. Бунда Хуррам Раҳимов, Мухтор Кенжаев, Абдурахмон Юсупов каби тажрибали электромонтёрлар хизмати катта бўлди.

Шермамат ШОМУРОДОВ,  
"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали  
Денов телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи

## ТО'УХАТ

"UNISON. UZ" Davlat unitar korxonasi mehnat jamoasi umumiy xujjalik b'limi omborchisi Gulri Aripova nomini hurmat-axtirrom bilan tilga olishadi. Gulrixon b'ning i'zining jonkuyarligi, xamma bilan birday til topisha olishi, ishiga fidoiyligi tufayli sazovor b'lgan.

## Эхтиром йўли

Гули зиёли хонадонда вояга етди. Отаси Воҳид ака ҳамда онаси Ойниса опа тўрт нафар фарзандни узлари каби эл ишига камарбаста инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишди. Оиладаги тўғри тарбия ака-укаси ва синглиси каби Гулининг ҳам ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган Гули ўқишини Беруний номидаги Тошкент политехника институтида давом эттирди. Сўнг ҳозирги жамоасида иш бошлади.

— Касбим қурилиш муҳандислиги бўлса-да, фарзандларим ёш бўлганлиги, уларни доимий назорат қилишим лозимлиги сабабли шу ерга ишга кирдим, — дейди Гули Арипова. — Ўзимча, болаларим каттароқ бўлунларича ишлаб, кейин фаолиятимни соҳам бўйича давом эттираман, деб ўйлаган эдим. Лекин шундай жамоага келиб қолган эканманки, бу ердаги ажойиб муҳит, ходимларнинг ўзаро меҳр-оқибати мени ўзига бутунлай ром этди ва бир умрга шу корхонага боғланиб қолдим. Омборчилик ҳам ниҳоятда масъулиятли иш, бирор рақамда хатога йўл қўйилса, катта чалқашликлар келиб чиқиши мумкин. Шу сабаб жуда эҳтиёт бўлиб ишлайман.

Гули Арипова аҳил оиласи би-

лан ҳам кўпчиликка ибрат. Унинг турмуш ўртоғи Абдор Арипов фармацевтика соҳаси бўйича мутахассис. Қизи Озода тиббиёт ҳамшираси бўлса, ўгли Жамшид алоқа соҳасини танлаган. Ҳозирда 46-автомат телефон станциясида электромонтёр бўлиб ишляпти.

"UNISON. UZ" ДУК меҳнат жамоаси яқинда Гули Арипова таваллудининг 60 йиллигини нишонлади. Биз ҳам соҳа ривожига камтарона меҳнатлари билан муносиб улуш қўшган бу фидойи инсонга ўз эзгу тилақларимизни билдираемиз.

М.ИДРИСХЎЖАЕВА

## ТАҚДИМОТ

## XXI аср ахборот ва маълумот хизматлари

Яқинда Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида шу номли китобнинг тақдими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Республика ахборот-кутубхона маркази ҳамда АҚШ элчихонаси вакиллари, олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, талабалари иштирок этдилар.

Тақдимотни АКМ директори Шаҳодат Аҳмедова очди ва йиғилганларга китоб муаллифи, АҚШнинг Массачусетс штатидаги Эймс Озод кутубхонаси директори ёрдამчиси Ума Хайрматни таништирди.

Меҳмон йиғилганларга китоб ҳақида маълумот бериб, АҚШда фаолият кўрсатаётган кутубхоналар, уларнинг америкалик китобхоналарга хизмат кўрсатиш тартиби, замонавий кутубхона хизматчиларига қўйилаётган талаблар ҳақида маъруза ўқиди.

Ума Хайрмат хоним Республика ахборот-кутубхона маркази, вилоят АКМ ҳамда вилоят олий ўқув юртли учун 100 нусхадаги китобини совға қилди.

Ҳ.АБДУҒАФУРОВ

## АКСИЯ

## Фарзандимга китоб совға қиламан

Қўштепа туманидаги 49-умумтаълим мактаби ахборот-ресурс марказида турли мавзуларда тадбирлар ўтказиш одат тўсига кирган.

— 2014-2015 ўқув йилида марказимизга 200дан ортиқ сиёсий, бадиий ва болалар учун ёзилган адабиётлар келтирилди, — дейди марказ раҳбари Гулзода Ураимова. — Яқинда янги китоблар тақдимотини ўтказдик, айниқса, "Ўқув таълим таъминот" ДУК жамоаси томонидан совға қилинган 27 номдаги 87 дона китоб ўқувчиларимизда китобга бўлган қизиқишини орттирди.

"Китобхонлик ҳафталиги"да мактабда фарзандлари таълим олаётган ўқитувчилар — К.Ҳамдамова, Р.Тожибоева, М.Обидова, Ҳ.Мамажонов, М.Ёқубова, З.Ҳамроқулова, М.Аҳмедова, Ш.Аҳмаджонова, Ҳ.Тўраева, К.Қаномавалар ўртада "Фарзандимга китоб совға қиламан" мавзуда хайрия акцияси ўтказилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

## OLOV — TILSIZ YO'V

## Хушёр бўлайлик!

Бугунги кунда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар олиб борилмоқда. Бундан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қондаларини тўшунтирган ҳолда, уларга риоя этишга, ёнғиннинг олдини олишга эътибор қаратишдан иборат.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, олов билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир корхона ва муассаса жамоасига тааллуқли. Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш борасида, чунончи, очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола асбоблардан фойдаланмаслик зарурлигини эслаб ўтамиз. Ушбу қондаларга ҳар доим риоя қилинса, йилдан тўпланган мол-мулк, уй-жойни сақлаб қолишга эришамиз.

Болаларимизга тўғри тарбия бериб, Ватанимизга содиқ, ҳар томонлама етук инсон бўлиб камол топишига ҳисса қўшиш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Шундай экан, ҳамisha фарзандларимиздан насиҳатимизни, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни аямаслигимиз керак. Ҳеч ким фарзандининг ногирон бўлиб қолишини истамайди, албатта. Ёнғин эса бир неча сонияда инсонларни мол-мулкдан, яқинларидан ажратиб юборадиган бир офатдир.

Шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида барча-барчани доимо хушёрликка, огоҳликка чақирамиз.

Зафар МУРАМЕТОВ,  
Тошкент шаҳар ЁХБ 12-ҲҲО  
1-ҲҲХ алоҳида пост бошлиғи, капитан

## Эълон!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Фаррухбек ҒАЙРАТОВ номига 2013 йили берилган 51217-13-рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## ● Реклама ва эълонлар

ALSKOM

сугурта компанияси



"ALSKOM" сугурта компаниясининг тиббий сугуртаси ходимларингиз соғлиги ҳақидаги гамхўрликнинг самарали воситасидир.

Ихтиёр тиббий сугурта полисимиз орқали Сизга мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарлари бўйлаб жойлашган 200дан ортиқ турли тиббий муассасаларда тиббий хизматлар кўрсатилади.

Шифокорни  
уйга чақиришДори-дармон  
таъминотиСтоматологик  
хизматШошилч  
тиббий ёрдэмВакцинация  
ва диспансеризацияАмбулатория-поликлиника  
ва стационар хизмат

Бизнинг сугурта полисимиз — Сизнинг хотиржамлигингиз!

Доимо саломат бўлинг!

www.alskom.uz

Хизматлар лицензияланган

"ALSKOM" сугурта компанияси АК  
Тошкент ш., Ахир Телур к., 109  
Email: info@alskom.uz  
Тел.: 147-11-09 (211,312) Факс: 147-22-00



Мусобақа совриндорлари: Бухоро, Наманган ва Тошкент вилояти жамоалари

Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида соҳанинг акциядорлик жамиятлари, компаниялари, корхона, ташкилот ва муассасаларининг раҳбарлари ва катта ёшдаги ходимларидан тўзилган терма жамоалар ўртасида футзал бўйича Кўчма кубок учун республика мусобақалари ўтказилди.

Соҳа раҳбарлари ва катта ёшдаги ходимлар ўртасида мусобақани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — уларнинг корхона ва ташкилотларда спорт тадбирларига эътиборини ошириш, шу тарзда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ўз хиссаларини қўшишга эришишдир. Спорт билан шуғулланувчи раҳбар ёки катта ёшли мутахассислар бу борада ёшларга ўрнак бўлиб, уларнинг ҳам соғлом турмуш тарзини танлашларига туртки берадилар. Ходимларнинг соғлом бўлиши нафақат корхона иш унуми ошишига, балки жамият фаровонлигига ҳам улкан ҳисса қўшади.

Шундай олижаноб ғоя асосида икки кун давомида ўтказилган баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтнинг жами 15 жамоаси иштирок этди.

## Гуруҳ баҳслари

Қуръа натижаларига кўра, жамоалар 4 гуруҳга бўлинган ҳолда чорак финал йўлланмаси учун кураш олиб борди.

### "А" гуруҳи

Наманган  
Сурхондарё  
Навоий  
Самарқанд

### "С" гуруҳи

Бухоро  
Қашқадарё  
Почта ва Банк  
Фарғона

### "В" гуруҳи

Вазирлик  
Тошкент вилояти  
Сирдарё  
Қорақалпоғистон

### "Д" гуруҳи

Жиззах  
Андижон  
Хоразм

Гуруҳ баҳслари голларга бой ўтди. Мусобақа фаворитлари томонидан ёрқин ўйинлар намойиш қилинди. Ҳар бир гуруҳдан энг яхши очко тўплаган иккитадан жамоа плей-оффга йўл олди.

## Чорак финал

Ушбу босқичда қуйидаги жамоалар ўзаро дуч келди:

"Почта ва Банк" — Наманган — 2:6

"Ўзбекистон почтаси" АЖ ҳамда АТ "Алоқа-банк" раҳбар ва катта ёшли ходимларидан таркиб топган "Почта ва Банк" жамоаси чорак финалдаёқ ўтган йилги чемпион — Наманган жамоасига дуч келди. Ўйин қизиқarli тус олди, гуруҳ баҳслариданоқ бу йилги баҳсларга ҳам жиддий тайёргарлик кўргани сезилган наманганликлар катта қаршиликсиз ярим финалга йўл олдилар.

Андижон — Тошкент вилояти — 1:3

Иккинчи ўйиннинг дастлабки тайми тенг курашлар остида ўтди. Андижон жамоаси яхши шаклланган жамоага қарши муносиб ўйин кўрсатди. Аммо иккинчи бўлимда Тошкент вилояти жамоаси ҳужумчиси ажойиб хатти-ҳаракатлари билан жамоаси устунлигини мустаҳкамлади.

## Наманган жамоаси кетма-кет иккинчи бор голибикни қўлга киритди



Бухоро — Сурхондарё — 2:2 (пеналтилар бўйича — 2:0)

Бу ўйин ушбу жамоаларнинг ўтган йилги ўйини эслатиб юборди. Ўшанда ҳам бу жамоалар чорак финалда дуч келишган, Бухоро жамоаси биринчи бўлимда катта ҳисобда олдинга чиқиб олган, аммо иккинчи бўлимда сурхондарёликлар 3:0 ҳисобидаги мағлубиятни 3:2га айлантиришга эришганди. Ҳисобни тенглаштириш учун вақт етишмай қолганди. Бу сафар ҳам жанубликлар иродали ўйини билан томошабинлар олқишларига сазовор бўлди. Бухоро дастлабки таймда 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олди, сурхондарёликлар иккинчи бўлимда мувозанатни тиклай олдилар. Пеналтилар сериясида омад Бухоро футболчиларига кулиб боқди.

Вазирлик — Жиззах — 5:1

Авалги мусобақада финалчи мақомига эришган Вазирлик (ўтган йили "Қўмита" номи билан қатнашганди) жамоаси таркибида бу йил жиддий ўзгаришлар кузатилди. Шундай бўлса-да, жамоа гуруҳ ўйинлари ва чорак финал баҳсида ҳужумкор, чиройли ўйин намойиш қилди. Бунга қайд қилинган ҳисоб ҳам гувоҳлик бериб турибди.

## Ярим финал

Кучли тўртликнинг дастлабки жуфтлигида амалдаги чемпион рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Наманган — Тошкент вилояти — 5:0

Дастлабки дақиқалардан ҳужумга отланган наманганликлар кетма-кет голлар уришга эришди. Айниқса, жамоа ҳужумчиси Ш.Маматов тезкорлик ва тўпурарлик хусусиятларини намойиш этиб, жамоасининг тўртта голига муаллифлик қилди.

Вазирлик — Бухоро — 0:1

Ярим финалнинг иккинчи ўйинида Вазирлик жамоаси фаворит сифатида майдонга тушди. Учрашув бошиданоқ улар томонидан уюштирилган кетма-кет ҳужумларга баъзида аниқлик етишмаган бўлса, баъзи ҳолларда очиқчасига омад келмади. Бухоро жамоаси эса вазиятни тўғри баҳолаб, иккинчи бўлимда қарши ҳужум тактикасини танлади. Ўйин якунланишига саноқли дақиқалар қолганда бухороликлар қарши ҳужумдан унумли фойдаланиб, ҳисобни очишти. Қолган дақиқаларда Вазирлик жамоаси ўйин суратини ўзгартиришга заҳира футболчиларининг йўқлиги панд берди.

## 3-ўрин учун

Учинчи ўрин учун баҳс одатда финалдан ҳам оғир кечади. Сабаби ярим финалдаги мағлубият алами ҳали сўнмаган, чарчоқлар эса тарқалиб улгурмаган бўлади. Шундай бўлса-да, Вазирлик ва Тошкент вилояти жамоалари ўртасидаги баҳс шиддатли ва қизиқarli кечди. Тошкент вилояти жамоаси ҳисобда олдинга чиқиб олиши билан Вазирлик футболчилари жавоб қайтаришнинг улдасидан чиқавериши. Бироқ заҳира ўйинчиларисиз ҳаракат қилган Вазирлик жамоасида ўйин охирида чарчоқ сезила бошлади. Рақиб бундан унумли фойдаланиб қолди.

Вазирлик — Тошкент вилояти — 2:4

## Финал

Кўчма кубок кетма-кет иккинчи бор Наманган жамоасига насиб этди. Финалда Бухоро жамоасига ҳеч қандай имконият қолдирмаган водийликлар турнир голибчилигини қўлга киритишди.

Наманган — Бухоро — 6:0

— Ўтган йилги чемпионлик масъулияти бу сафар ҳам мусобақага жиддий тайёргарлик кўришга ундади, — дейди Наманган жамоаси аъзоси Юсупхон Ишанов. — Йил давомида машғулотларни тўхтатганимиз йўқ. Жамоамиз ютуқларининг яна бир сирини — ким қандай вазифада ишлашидан қатъи назар майдонда, мусобақада фақат мураббийимиз кўрсатмаларига асосланиб ўйнаймиз.

## Тақдирлаш маросими

Мусобақа якунида баҳсларда совриндор жамоалар мос даражали дипломлар ва медаллар ҳамда ташкилий қўмитанинг қимматбаҳо совринлари билан тақдирландилар. Чемпионликни қўлга киритган Наманган жамоасига мусобақанинг Кўчма кубоги топширилди.

Қатор номинациялар бўйича энг яхши деб топилганларга ҳам махсус совринлар тақдим этилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ



# Райхон бўйларига гўлшман кўприк

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтган янги кўприк 8 ойда қурилиб битказилди. Унинг узунлиги 500, эни 26 метрни ташкил этади. Кўприк атрофига, йўл бўйларига каштан, эман ва лола дарахтлари ўтказилган, райхонлар экилган. Ҳадемай райхон бўйлари атрофни тутиб кетади.



Кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун 102 ва 111 метрлик ер усти ўтиш йўлаги бор.



## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Хуршид МИРЗОҲИДОВ (Ҳайъат раиси), Иброҳим ЖҲРАЕВ,  
Абдурашид АБДУМУМИНОВ, Ҳақим МУҲИТДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ,  
Сувон НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир  
ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета  
ҳафтанинг  
жума кунин  
чиқарилади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзили: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-565 сонли бузортма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Адади: 12443 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шохкўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят  
муҳбирлари:

Андижонда  
226-47-80

Бухорода  
715-87-21

Гулистонда  
240-00-46

Жиззахда  
(94) 199-95-64

Навоийда  
225-91-10

Нукусда  
554-35-45

Самарқандда  
230-64-80

Термизда  
(91)235-88-68

Тошкентда  
288-40-66

Урганчда  
(90) 713-21-40

Фарғонада  
244-18-05

Қаршида  
(93)931-08-99